

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

СЕНТЯБРЬ

1

НИМАЛАР
ЎЗГАРАДИ?

Кунни кеча –
5 сентябрда
Халқ таълими
вазирлиги тизимдаги 10 085
та мактабда
2022-2023 ўқув
йили дарслари
бошланди.

Жорий ўқув йилида 702 000 нафар болажон умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинди. Уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкаси, дарсликлар жамланмасидан иборат Президент совғалари топширилди. Мактабларда таҳсил олаётган 6 469 737 нафар ўқувчи иштирокда ташкил этилган «Биринчи кўнғирок» тадбирларида маҳаллий ҳокимликлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди. Айни вақтда республикадаги барча умумтаълим мактабларида 2022-2023 ўқув йилининг биринчи дарс соати – «Мустақиллик дарслари» бошланди. Ушбу дарсларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, ёшларимиз томонидан қўлга киритилган ғалабалар ҳамда миллий тарихимизнинг ёрқин лавҳалари ҳақида ўқувчиларга сузлаб берилди.

САЛОМ МАКТАБ, САЛОМ УСТОЗЛАР!

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
6 сентябрь
сешанба
№ 108 (4704)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgz



Эътибор

Фарғона вилояти

Совға

ШОДЛИГИМНИНГ БОИСИ ШУКИ...

Таълим тизимида меҳнат қилиб келаётган, кам таъминланган, эҳтиёжманд, «Аёллар дафтари»га киритилган оила фарзандларининг 400 нафарига 18 турдаги ўқув қуроллари ва мактаб сумкалари совға қилинди.



Қундузхон Мелибоева Риштон туманида яшайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги боис «Аёллар дафтари»га киритилган. Аксига олиб, икки нафар фарзандини тарбиялаш ёлғиз ўзининг гарданига тушган. Унинг оилавий шароитидан яхши хабардор бўлган Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лолаҳон Аҳмедова уни мазкур тадбирга таклиф этди. Қизи Сабинахоннинг аёло баҳоларга ўқишини тилаб, мактаб сумкаси ва ўқув қуролларини тақдим этди.

Мақсадимиз кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш, уларни аёло баҳоларга ўқишга ундаш, – дейди Лолаҳон Аҳмедова. – Ҳар йили қасаба уюшма аъзоларининг фарзандларини мана шундай совғалар билан хушнуд этамиз. Бундай ташаббус ота-оналарни ҳам, ўғил-қизларни ҳам бағоят хурсанд қилмоқда. Ишонч билан айтишим мумкинки, келгусида болажонларимиз бу ғамхўрликни ўз билим ва ютуқлари билан, албатта, оқлашади.

Қўлимиз қалталиги боис қизимга мактаб ўқув қуроллари сотиб олишга ўйлашиб тургандик, – дейди Шоҳсанам Омонбоева. – Қасаба уюшмаларининг ташаббуси билан мушкуллимиз осон бўлди. Қизим Зулайҳога ўқув қуроллари билан тўлдирилган мактаб сумкаси совға қилинди.

Тадбир давомида болажонлар Фарғона шаҳри бўйлаб саёҳатга олиб чиқилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир давомида болажонлар Фарғона шаҳри бўйлаб саёҳатга олиб чиқилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир давомида болажонлар Фарғона шаҳри бўйлаб саёҳатга олиб чиқилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир давомида болажонлар Фарғона шаҳри бўйлаб саёҳатга олиб чиқилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

► Мактабларда халқаро тан олинган сертификатга эга кадрларга 50 фоиз миқдорда устама тўланади;



► Намунали мактаблар рейтинг шакллантирилади ва эълон қилиб борилади;




► Енгил автомобилда йўловчи ташувчилар ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилади



► Хусусий секторда ишлайдиган аёлларга ҳам ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади;



► Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга ижтимоий-моддий ёрдам пакети берилади;



► Шифокорларнинг яқка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритишига рухсат берилади;



► Чет тили фани ўқитувчиларининг аттестацияси жараёнида ўқув фани бўйича малака синовларида тўртта компетенция баҳоланади;



► Тиббиёт тизими раҳбарларининг ҳудудий кенгаш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинида ҳисобот бериш тартиби жорий қилинади;



► Спорт мактаблари тренерларининг базавий тариф ставкалари 1,35 бараварга оширилади;



► Журналистларнинг хорижий тилларни ўрганиши рағбатлантирилади;



► Автомактаблар рейтинг юритилади.



СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали ҳамда вилоятнинг олис ва чекка ҳудудиди, мураккаб иқлим шароитида яшаб келаётган бойсунлик Хадича Раҳимбердиева, Термиз шаҳрида яшовчи Насиба Бобомуродова ҳамда Валентина Орловаларга мафтункор «Сангардак» сиҳатгоҳида ҳордиқ чиқаришлари учун бепул йўлланма берилди. Йўлланмаларни Ўзбекистон қасаба

уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов тантанали равишда топширди.

Ориф АЛЛАЁРОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашининг Ижтимоий сўғурта бўлими мудири

Келгуси
сонларда ўқинг...

Савол жуда оддий:
ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

ЎГАЙ МАВЗЕ ҲАСРАТИ



Жиззах вилояти


Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Дўстлик тумани кенгаши ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 4-умумтаълим мактабида мини-футбол мусобақаси ташкил этилди.

Спорт
МУРАББИЙЛАР
БЕЛЛАШУВИ

Мустақилликнинг 31 йиллиги муносабати билан уюштирилган беллашувда 16 та терма жамоа қатнашди. Қизғин баҳслар якунига қўра, 18-умумтаълим мактаби умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди. 20-умумтаълим мактаби иккинчи ҳамда 1-умумтаълим мактаби учинчи ўрин соҳибига айланишди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

М.ЯЛГАШЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Дўстлик тумани кенгаши раиси



Наманган вилояти

АҚШ давлат департаментининг «Одам савдосига қарши кураш» тўғрисидаги йиллик маърузасида мониторинг ишларида иштирок этадиган нодавлат-нотияжот ташкилот вакиллари, фуқаролик жамияти фаоллари, оммавий ахборот воситалари учун мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлашда ёрдам тариқасида уларга соҳа масъуллари томонидан ўқув-семинарларини ташкил этиш бўйича алоҳида тавсиялар берилганидан хабарингиз бор, албатта.



Бухоро вилояти

Халқаро ҳамкорлик

Меморандум имзоланди

Яқинда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 25 йиллиги нишонланди

Чорак асрлик тарихга эга заводда дастлабки йиллар 7 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 20 турдан ошди. Бундан ташқари, корхонада 3,5 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланган. Қисқа муддатда яна 300 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Тадбирда республикаимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи заводнинг бир қатор ишчи-ҳодимлари Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси томонидан тақдирланди. Шунингдек, Федерациянинг Бухоро вилояти кенгашида ҳам муҳим сана муносабати билан Умумроссия нефть-газ саноати ва қурилиш ходимлари касаб уюшмаси, Қозоғистон Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Дўстона руҳда ўтган учрашув якунида меморандум имзоланди.

Аҳмаджон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими mudiri

Сирдарё вилояти

Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Республика Солиқ қўмитаси бирлашган касаб уюшма қўмитаси ташаббуси билан Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси тизимида меҳнат қилаётган ходимлар учун байрам тадбири ташкил этилди.

Унда Солиқ қўмитаси раиси маслаҳатчиси Гавҳарой Муқаддасова, Солиқ қўмитаси бирлашган касаб уюшма қўмитаси раиси Баҳриддин Зайниддинов ва тармоқ касаб уюшмаси вилоят кенгаши раиси Ботир Усмонов иштирок этди. Самарали меҳнатлари инobatга олиниб, бир гуруҳ ходимларга Солиқ қўмитаси бирлашган касаб уюшма қўмитаси ва тармоқ касаб уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

Эътибор ва эътироф



Кун мавзуси

Одам савдоси ва мажбурий меҳнат тақиқланади

Ушбу тавсияга амал қилинган ҳолда, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши ҳамда вилоят Бандликка қўмаклашиш бошқармаси ҳам-

корликда фаолларнинг иштироки ва ҳаракати юзасидан ўқув-семинарнинг дастлабки босқичини ўтказди.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти бўйича меҳнат-техник инспектори Мирзанозир Қорабоев, меҳнат-ҳуқуқ инспектори Баҳром Раҳимбердиев, Республика «Истиқболли авлод» ижтимоий ахборот марказининг Наманган вилояти бўлими директори Раъно Нуриддинова, Наманган вилояти кенгашининг муружаатлар билан ишлаш бўйича мутахассиси Мавлонбек Зарипов ҳамда вилоят Бандликка қўмаклашиш бошқармаси вакиллари, соҳа мутахассислари, оммавий ах-

борот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўқув-семинарда йиғим-терим олди компанияси пахта кластерлари, фермер хўжаликларида ходимларни адолатли ишга ёллаш ҳамда уларга муносиб меҳнат шароитини яратиш бўлиб, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик масаласи муҳокама қилинди.

Тадбирда одам савдоси ва мажбурий меҳнат бўйича тайёрланган слайдлардан фойдаланилди. Бу каби ўқув-семинарлар вилоятдаги бир қатор корхона-ташкilotларда ҳам ўтказилиши режалаштирилди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Бор бўл, оқибат!

Кўнгиллар шод бўлди

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» шиори остида мустақиллигимизнинг 31 йиллик шодиёналари кенг нишонланаётган айти кунларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан қатор саховат тадбирлари ўтказилмоқда.

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси Қўқон «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйида ташкил этилди. Тадбирда Фарғона вилояти соғлиқни

сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқано Муҳтақулов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Шоҳидахон Каримова барчани байрам билан табриклаб, ҳеч ким

меҳр ва эътибордан четда қолмаслигини таъкидладилар.

Тадбир асноси муассасада даволанаётганлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ишчи-ҳодимлар билан суҳбатлашилди.

Учрашув давомида иштирокчиларга байрам совғалари топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Ўқув қуроллари топширилди

Тўхфа

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаб уюшма қўмитаси томонидан янги ўқув йилининг бошланиши арафасида қўмита тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг 113 нафар фарзандига ўқув қуроллари топширилди. Тадбирда ота-оналар фарзандлари учун кўрсатилган юксак эътибор учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришди.

Ҳимоятхон СОБИРОВА,
Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаб уюшма қўмитаси раиси

Хоразм вилояти

Дил сўзи

Таълим-тарбия масаласи давлат ва жамиятнинг доимий диққат-эътиборида. Ўқитувчилар меҳнатини қадрлашда, таълим-тарбия сифатини оширишда касаб уюшмалари томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.



МУАЛЛИМ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ КАТТА

Мактабимизда 135 нафар аъзо фаолият кўрсатади. Шундан 112 нафари ўқитувчи, 23 нафари ишчи-хизматчи. Муаллимларнинг 11 нафари олий, 29 нафари биринчи, 33 нафари иккинчи тоифага эга.

Муассасамиз яқиндагина мукаммал таъмирдан чиқарилди. Аъзолар учун муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратилди, меҳнат муҳофазаси кучайтирилди.

Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси туман кенгаши томонидан 12 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди, 9 нафар ходим санаторийда, 30 нафар ходимнинг фарзандлари оромгоҳларда дам олдирилди. Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамкасбимиз Клара Жуманиёзова касаб уюшмаси кўмаги билан соғлиғини тиклашга муваффақ бўлди. Нафақага чиққан ҳамкасбларимиз Тожиғул Ҳайитова ва Муҳайё Саъдуллаева қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Тармоқ касаб уюшмалари томонидан туман ва вилоят миқёсида спорт мусобақалари ўтказилаётганлиги ҳам айти мударо

бўлмоқда. Шу тариқа ходимлар ўзларини бардам-бақувват ҳис қилишаётир. Бунинг натижасида вилоят мусобақаларида ғолиблар сафидан жой оляпмиз.

Ўзим бошланғич синф ўқитувчисиман. Ота-оналар фарзандларининг одобли, ахлоқли бўлиб ўсишлари учун устозларнинг ёрдамларига муҳтож. Аслида муаллим маънавий ота, муаллима эса маънавий онадир. Зиммамиздаги масъулият ҳам шунга яраша. Ўқувчиларимни креатив фикрлайдиган, илмга чанқоқ қилиб тарбиялаш бош мақсадимдир.

4-синф ўқувчиси Зарина Холназарова туман олимпиадасида 1-ўринни эгаллади. Туманимизда янги ташкил қилинаётган Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги мактабга ҳужжат топшириб, тест синовларидан муваффақиятли ўтди. Бу ютуқлар менга ғурур бағишлайди. Муаллим эканлигимдан фахрланаман.

Саида СЕТИМОВА,
Хонқа туманидаги 35-мактабнинг бошланғич касаб уюшма қўмитаси раиси,
Халқ таълими аълочиси

Ўқишни кўчириш:

ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНияТЛАР

Кейинги йилларда олий таълим муассасаларига фуқароларни ўқишга қабул қилиш тизимида кўп ўзгаришлар юз берди. Эндилиқда абитуриентлар ўзлари яшаб турган жойдан Ўзбекистон ҳудудидаги исталган институт ёки университетга бемалол ҳужжат топширишлари мумкин бўлиб қолди.

Кези келганда, ўқишни кўчириш бора-сида амалга ошириладиган ижобий ўзгаришларни ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Кўпчиликка маълумки, бу борада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди. Масалан, Президентимизнинг 2022 йил 15 июндаги «Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган, жумладан, халқаро рейтингларда тан олинган биринчи 1000 талиқдан ўрин эгаллаган олий ўқув юртларидан талабалар ўқишга қабул қилиш жараёнида давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришда тест синовлари ўтказилиши белгилаб қўйилди. Бунда тест синовлари бўйича ўтиш баллари ҳар йили 15 июлга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шунингдек, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади. Ва улар давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Агар буни Тошкент молия институти мисолида қарайдиган бўлсак, 2022/2023-ўқув йилида хорижий олий ўқув юртларидан ўқишни ушбу институтга кўчириш учун тест синовлари топширган талаба камда 105 балл тўплаши керак. Бундан икки йил аввал кириш 56,7 баллни ташкил этган.

Энди тасаввур қилинг, абитуриент камида 130-140 балл олиб, институтга ўқишга кирса-да, хорижий олий ўқув юртидан ўқишни кўчирган талаба тест синовларида 56,7 балл билан ўқишга қабул қилинса...



Очиғини айтганда, бу ҳолат бошқа олий ўқув юртларини билмадим, лекин бизнинг институтда маълум маънода таълим сифатини пасайишига сабаб бўлди. 2020/2021-ўқув йилида 550 га яқин фуқаролар хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишларини Тошкент молия институтига кўчирган. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, уларнинг аксарияти институтда ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришда қийналиб, академик қарздор бўлиб қолмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни давлат олий таълим муассасаларига кўчириш учун ўтказиладиган тест синовларида кириш балининг 105 балл этиб белгиланиши айти мудоао бўлди.

Агар аҳамият берган бўлсангиз, сўнгги вақтларда юртдошларимизни турли йўлар билан хорижий олий ўқув юртларига (яқин хорижий мамлакатлар назарда тутилмоқда) ўқишга кириштиш, энг қизиғи, бир йилдан кейин ўқишни Ўзбекистондаги олий ўқув юртларига кўчиришда «амалий ёрдам» кўрсатадиган консалтинг фирмалар жуда кўпайиб кетди. Албатта, ҳукуматимиз томонидан қўриладиган чора-тадбирлар натижа-сида бундай салбий ҳолатнинг олди олинмоқда.

Қабул қилинган қарорларга асосан, 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб талабаларга ўқишни хорижий олий таълим муассасаларидан Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди. Буни содда қилиб айтидиган бўлсак, хорижий олий таълим муассасаларининг нотурдош таълим



Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент молия институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

йўналишида ўқиган талаба ўқишни Тошкент молия институтининг бирорта таълим йўналишига кўчира олмайди.

Биз «ташқи кўчиришнинг айрим хусусиятлари ҳақида фикр билдирдик. Ҳолбуки, талабалар ўқишни «ички кўчириш» ҳам мавжуд. Яъни, Ўзбекистон ҳудудида.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарорига мувофиқ, 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат олий таълим муассасасининг бирдан бошқасига ўқишни кўчиришга фақатгина талаба оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш учун ва давлат органлари ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишни кўчириш учун мурожаат қилганда, тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тасвииси асосида рухсат берилади. Бошқа ҳолатларда талабалар ўқишни кўчириш мумкин эмас.

Олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун абитуриентлар махсус электрон дастурлар орқали онлайн рўйхатдан ўтгани каби хорижий ва миллий олий ўқув юртларидан ўқишни бошқа олий таълим муассасаларига кўчираётган талабалар учун анча қулайлик яратилди. Ушбу ўқув йилида ўқишни хорижий ва нодавлат олий таълим муассасаларидан кўчирмоқчи бўлган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг my.dtm.uz сайти ва республиканинг бир олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига ёки бир олий таълим муассасаси доирасида ўқишни кўчирмоқчи бўлган талабалар transfer.edu.uz расмий сайтлари орқали онлайн рўйхатдан ўтиш имкониятига эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, талабалар ўқишни кўчириш борасида йўлга қўйилган янги тизим олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошишига, шунингдек, фуқаролар томонидан ўқишни кўчиришда масъулият билан ёндашишларига, энг асосийси, ўз билимларини янада кучайтиришларига туртки бўлиши аниқ. Бу, албатта, юқори малакага эга бўлган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Таҳлил

Шу йил 31 август куни «Газпром» про-филактика ишлари олиб борилиши туфайли «Шимо-лий оқим» линияси орқали газ етказиб беришни уч кун муддатга тўхтатди. Компаниянинг изоҳла-шича, бу вақт ора-лиғида қувурлар, газ сизиб чиқиш ҳолати, шунингдек, бошқа камчиликлар текши-рилади. Лекин евро-палик истеъмолчи-лар режадаги ушбу юмушлар якунланган-нидан сўнг таъминот қайта тикланишига ишонишмаяпти, шубҳа ва хавотир бор. Амалда қандай бўлади, ҳозирча бир нарсa дейиш қийин.



Шарҳ

Бирни кўриб фикр қил...

нефть ташувчи поездларга устуворлик берилади.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, тунги ёритишни камайтириш ва дўконларда ҳарорат чегараларини белгилаш ғояси Португалияда ҳам илгари сурилган. Айти пайт-да мамлакат ҳукумати энергияни тежаш билан боғлиқ лойиҳани ҳозирламоқда. Яқин кунларда у аҳолига тақдим этилади.


Хорватия эса бу йилги қишда уйларни ўтин билан иситишга тайёргарлик кўрмоқда: ҳукумат шундан келиб чиққан ҳолда ёғочга ҚҚСни 5 фоизгача камайтириш ва қўш панеллари учун бу солиқни бутунлай бекор қилишни таклиф этди.

Буёқ Британиянинг электр нархлари регулятори «Ofgem» эса жорий йил октябр ойидан бошлаб тарифлар 80 фоизга ошишини маълум қилди. Бу шундоқ ҳам мамлакатда инфляция даражаси 10 фоиздан ортиб, аҳолининг харид қобилияти тушиб бораётган бир шароитда истеъмолчиларга қўшимча қийинчилик тулдирди. Дейлик, агар илгари мамлакатда ўртача уй ҳўжаликлари электр энергияси учун йилга тахминан 2000 фунт тўлаган бўлса, шу йил охирига бориб ўртача тўлов миқдори 3550 фунт-гача кўтарилди...

Қисқаси, Европа бир-биридан мураккаб муаммолар билан рубарў келган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни енгиб ўтиш чоралари изланмоқда. Аҳамият берган бўлсангиз, бунда асосий уруғ тежамкорлик қарати-ляпти. Бу ҳамма учун хулоса чиқариш, мушоҳада юри-

тиш учун туртки бериши керак, назаримда. Чунки, тан олайлик, кўпчилигимиз газ, электр энергияси, сувни тежашни билмаймиз. Дейлик, арзимаган гулгурт чўпини тежаш учун газ плитасини соатлаб ёкиб қўямиз. Ваҳоланки, бу ресурсни уйгача келтириш қанча харажат ва машаққат талаб қилади. Ёки иш жойимизда гоҳида электр энергиясидан худа-бехуда фойдаланамиз, ортиқча ёниб турган чироқни ўчириш ёки қайсидир электр жиҳозини тоқдан узиб қўйишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Чунки «менга нима, чўнтагимдан кетма-япти-ку» деган нотўғри қараш шаклланиб қолган. Уйда эса бундай қилмаймиз. Ичимлик сув билан боғлиқ ҳолатларда ҳам шундай. Ёз иссиғида тарвуз ёки қовун муздек бўлиб турсин деб устидан соатлаб сув оқизамиз. Уволони ўйламайди.

Шундайлар агар бугун Африка ёки Хитойнинг айрим жойларида одамлар қурғоқчиликдан жид-дий азият чекаётганини, Европада электр энергияси, газ нархи тобора ошиб, аҳоли қийинчилик кўраётганини, яна дунёнинг қаеридаги оддийгина тоза сув ичиш имконияти йўқлигини тасаввур қила олганлариди эди, балки тежамкорлик билан иш кўришарди. Аслида ижобий томонга ўзгариш ҳеч қачон кеч эмас. «Зарарнинг қаеридан қайтсанг фойдадир» деган гап бор. Шундай экан, ҳар битта незматни асраш ҳақида ўйлаш, тежамкор бўлиш, борини вақтида қадрлаш керак.



Шавкат ОРТИҚОВ,
журналист

Эълон

«Трансйўлқурилиш» МЧЖ кредиторлари диққатига!
«Трансйўлқурилиш» МЧЖни бўлиш балансига мувофиқ:

– Андижон филиалини ажратиб чиқариш орқали ушбу филиал негизда «Шахрихонйўлқурилиш» масъулияти чекланган жамияти;
– Нукус ва Қўнғирот филиалларини ажратиб чиқариш орқали «Нукусйўлқурилиш» масъулияти чекланган жамияти;
– Қўнғирот филиалини ажратиб чиқариш орқали ушбу филиал негизда «Қўнғиротйўлқурилиш» масъулияти чекланган жамияти;
– Бухоро филиалини ажратиб чиқариш орқали ушбу филиал негизда «Бухоройўлқурилиш» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.
Ушбу МЧЖлар юқорида кўрса-

тилиб ўтилган филиаллар вориси этиб белгиланди.
«Шахрихонйўлқурилиш» МЧЖ, «Нукусйўлқурилиш» МЧЖ, «Қўнғиротйўлқурилиш» МЧЖ, «Бухоройўлқурилиш» МЧЖларнинг ягона иштирок-чиси этиб, «Йўлқурилиш» АЖ деб белгиланди.
Ташкилотларнинг ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарганлиги сабабли:
– «Трансйўлқурилиш» МЧЖ-нинг устав капитали 160 696 903 288 сўм;
– «Шахрихонйўлқурилиш» МЧЖ-нинг устав капитали 23 604 657 780 сўм;

– «Нукусйўлқурилиш» МЧЖнинг устав капитали 55 518 551 900 сўм;
– «Қўнғиротйўлқурилиш» МЧЖ-нинг устав капитали 26 219 868 540 сўм;
– «Бухоройўлқурилиш» МЧЖнинг устав капитали 19 664 554 620 сўм этиб белгиланди.
Шунга кўра, «Трансйўлқурилиш» МЧЖ кредиторлари хабар эълон қилинган санадан эътиборан 30 кун ичда жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилиши ёки бажарилиши бўйича Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй манзилига ёзма равишда мурожаат қилиши маълум қилинади.

Ўрганиш ва натижа

Аслида буйруқ ноқонуний экан

Феруза Абдусаломова 17 йиллик меҳнат тажрибасига эга. Охириги 10 йилда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Жиззах минтақавий филиалида ишлади. Жорий йилнинг апрель ойи бошларида Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асо-сан у билан тузилган меҳнат шартно-маси бекор қилинди.

Орадан бир неча кун ўтиб, у каби Ягона МФО билан ишдан бўшатишдан хо-димларни ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Бироқ бу рўйхат-дан Феруза ўзини топа олмади. Унга бу ҳақда тушунтириш ҳам беришмади. Фе-рузанинг олий маълумотли экани туғул, ҳомиладорлиги ҳам инобатга олинмади. Ўзининг фикрича, Феруза тез орада хо-миладорлик таътилига чиқиб кетиши, қисқаси, иш бермаслиги сабаб шундай ҳолат рўй берди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 237-моддасида ҳомиладор ва уч ёшга тўл-маган боласи бор аёлнинг иш берувчи та-шаббуси билан бўшатилиши ғайриқонуний деб баҳолашни белгилаб қўйилган. Шу-нингдек, 101-моддада «Иш берувчи касаба уюшма қўмитасининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бе-риш қарори қабул қилинган кундан бо-шлаб бир ойдан кечиктирмай, меҳнат



шартномасини бекор қилишга ҳақлидир» дея мустаҳкамлаб қўйилган. Юқоридаги вазиятда эса касаба уюшма қўмитасининг умумий йиғилиш қарори 2022 йил 26 ян-вардан олинган ва 26 февралда у ўз кучини йўқотган. Ф.Абдусаломовани ишдан бўша-тиш ҳақидаги буйруқ эса қарор ўз кучини йўқотгач, қарийб икки ой ўтиб, яъни жо-рий йил апрель ойи бошларида қабул қи-линган.

Ҳуқуқлари поймол этилаётганига чи-долмаган аёл Давлат муассасалари ва жа-моат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат йўл-лади. Ариза тегишли тартибда ўргани-либ, уни қаноатлантириш бўйича чора-

лар кўрилди. Бироқ АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Жиззах минтақавий филиали турли вахжларни рўкач қилиб, ишни пайсалга солди.

Иш судга оширилиб, 2022 йилнинг июнида Фуқаролик ишлари бўйича Жиз-зах туманлараро суди ҳал қилув қарорини қабул қилди. Унга кўра, Феруза Абдусало-мова ишга тикланиб, мажбурий бекор юр-ган кунлари учун иш берувчидан тегишли тартибда иш ҳақи ва маънавий зарар қо-лаб берилиши белгиланди.

Алишер КАРИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси

ОНАСИГА ТОРТГАН ЎҒИЛ

Табрик ўрнида



Истиқлол нашри – «Халқ сўзи» газетасида ишлаган йилларимни ўзим учун тобланиш ва ўрганиш даври, деб қабул қилганман. Ҳаётнинг оқ-қорасини, паст-у баландини шу даргоҳда англадим, десам ҳам адашмайман. Турфа феълли одамлар билан ишлаш, айниқса, улар ижодкор бўлса, янаям қийин. Кимдир сени ёқтирмайди, яна кимдир кимдандир ҳадиксираб сен билан чиқишини истамайди. Бироқ, ҳамма жойда бўлганидек, таҳририятимизда ҳар томонлама муқаммал, ўз ишига содиқ, самимий, барчага ошно одамлар кўп эди. Шулардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборовдир.

ландир суҳбатлашяпти. Гап-сўзнинг равиш-рафторидан билдимки, гўшакинг иккинчи томониди аёл киши. Суҳбат тугагач, янгамнинг рақамлари неччи, ҳозир телефон қилиб сизнинг аҳволингизни айтиб қўлай дея ҳазиллашсам, фойдаси йўқ, деди. Нега десам, янгангиз билан гаплашиб турувдик-да, деди. Ик-каламиз ҳам беихтиёр қулиб юбордик.

Чиндан ҳам, устознинг оилага, фарзандларига меҳри жуда баланд. Яна бир гал хонасига чақирди. Кирсам, креслода бир қиз У қизга мени кўрсатиб: «Шу акангиз сизга мавзулар бериб туради», деди. Кейин менга қараб, шу синглингизга у-бу йўналишда мақола ёзишни айтиб турарсиз, деди. Ҳўп дедим.

Синглимиз билан гаплашиб, мавзуларни келишиб олдик. Кейин суриштириб билсам, яхшигина қалами бор бу қиз Шухрат аканинг қизи экан. Камтарликни қаран! Ваҳоланки, Шухрат

ака ишхонада иккинчи раҳбаримиз, шундан келиб чиқиб, қизимга қарашли туринг, керак бўлса, ўзингиз мақола ёзиб беринг, деса ҳам ҳеч оғринмай, миқ этмай айтганини қилардик. Йўқ, биз билган ва қадрлаган Шухрат ака унақа ишларни қилмаслигини йиллар ўтиб англайвердик.

У киши учун бош муҳаррир қандай бўлса, мусахҳиш ёки оддий ҳайдовчи ҳам шундай эди. Сен катта, сен кичкина деган гапини-ку, умуман эшитмадик, эшитмаслик у эшитмадик, эшитмаслик у эшитмадик, уш ёки ишдан ташқари муносабатларда ҳам бунга гувоҳ бўлмадик.

Ишхонада кимдир тўй қилса, Шухрат ака бошқош бўларди. Кимнингдир фарзанди имтиҳондан йиқилса, яна кимдир қарегадир ишга жойлаштиришда озгина мадад керак бўлса, қай биримизга маслаҳат, бошқа бировга далда лозим бўлганда, Шухрат акага таянларди. Кўп кузатганман, аканинг ҳузурига кимдир илтимос билан кирса, у ҳеч икки-

ланмай ўша соҳанинг энг каттасига телефон қилар, мен шу одамман, бизда шу киши ишлайди ва шундай-шундай муаммо бор, уни фақат сиз ҳал қиларкансиз, дейишди, дерди. Нариги томонда қайси аллома ўтиргани менга қоронғу, аммо у мардум «дейишди» деган гапдан кейин ҳаёли қаерларга кетарди, билмайман-у, ўша иш аниқ ҳал бўларди. Бундай мардлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида Матбуот уйи борлигини ҳамма билади. Газетада ишлайдиганлар хурмат-у иззатда, эътиборда бўлган яқин ўтмишимизда бу даргоҳ жуда гавжум бўларди.

Тушликка чиқш ё қайтишда мақоласи шов-шув бўлган устозларни қўриб қолсак, ҳаяжонланардик, уларнинг суҳбатларини эшитишга интилардик.

Бир куни машҳур журналист Аҳмаджон Мелибоев, Шухрат Жабборов ва мен тушликка чиқдик. Гап орасида Шухрат ака Аҳмаджон аканинг санъат ва санъаткорнинг

масъулияти ҳақидаги ўша кунларда шов-шув бўлган мақоласини эътироф этар экан, мароқ билан ўқиганини таъкидлади. Аҳмаджон ака бундай мақтовларни кўп эшитганлиги аниқ, бироқ ҳар бир эътироф ижодкорга рағбат беради, унинг кўнглини кўтарди. Икки устознинг мулоқотлари давом этди. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, одамларни қийнаётган муаммолар, театр ва кино санъатининг аҳамияти каби мавзуларда билдирилган фикрларни эшитиб, улар эл-улус тақдирига чин камарбаста зиёли эканликларига амин бўлдим.

Эътиборли жиҳати шунда эдики, Шухрат Жабборов Аҳмаджон аканинг ҳар бир мулоҳазасини диққат билан тинглар, фикр билдириш керак бўлса, хурмат-у эҳтиром билан изҳор этарди. Ўз

ҳамкасбини иззат қилиш шунақа бўлади-да ахир! Умуман, Шухрат ака таҳририят йиғилишларида ҳам, ўзаро суҳбатларда ҳам кимнингдир яхши мақола ёзганини таъкидлашдан, муаллифни топиб, раҳмат айтишдан чарчамайдиган ижодкор. Таассуф шундаки, бугун ана шундай кўнгил кишилари орамизда етишмаётгандек туюлади...

Устоз билан ҳар хил сабаблар туфайли республикамизнинг бир нечта вилоятида бўлганмиз. Бир гал жамоамиздан бир укамиз уйланадиган бўлди ва барчани тўйга таклиф этди. Тўй Наманганда бўлиши керак. Шухрат ака бошчилигида водийга йўл олдик. Кимга лоф, бизга чин: устоз то тўйхонага етгунга қадар латифа айтиб, бизни зериктирмади. Бу латифалар шунчалар ичақузди эдики, машинани бошқариб кетаётган таниқли журналист Ҳабибулла Олимов ақибдан кулгунинг зўридан рулни қўйиб юбориш даражасига етганди.

Бошқа бир сафар Жиззахга йўл олдик. Шухрат аканинг 60 ёшга кириши муносабати билан у киши тўғилиб ўсган қишлоққа жамоа бўлиб бордик. Давра жуда қизиқ турганда, Шухрат ака бир онахонни бошлаб келдилар. Устознинг опа ёки синглиси бўлса керак, деб ўйлагандик. Йўқ, адашибмиз, у киши волидаи муҳтарамалари экан. Онахон кўп гапирмади, аммо икки оғиз шундай сўз айтдики, ҳамма жим қолди. «Ўғлим олтимизга кирди. Аммо доим хавотирдаман. Кимлар унга йўлдош, ким унга елкадош, деган ўй мени доим ташвишга солади. Бугун аҳил жамоани қўриб, кўнглим тинчиди».

Онаизорнинг бу гапи барчамизга таъсир қилди. Фарзанд юзга кирса ҳам она учун бола бўлиб қолаверади, унга меҳрибонлик қилишдан тўхтамайди, деган нақлнинг исботи эди бу ҳароратга йўғрилган самимий сўзлар. Яна шуни билдикки, Шухрат аканинг чертиб-чертиб, топиб-топиб гапиршлари онасидан юққан экан. Бировга меҳр кўрсатиш ҳам, ҳаммага бирдек муносабатда бўлиш ҳам шу мукаррам зотдан мерос экан. Онасига тортган ўғил бутун умри давомида бахтиёр яшайди, деганлари ҳаққаст рост бўлсин.

Етмиш ёшингиз муборак бўлсин, устоз!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
журналист



У киши учун бош муҳаррир қандай бўлса, мусахҳиш ёки оддий ҳайдовчи ҳам шундай эди. Сен катта, сен кичкина деган гапини-ку, умуман эшитмадик, эшитмаслик у эшитмадик, эшитмаслик у эшитмадик, уш ёки ишдан ташқари муносабатларда ҳам бунга гувоҳ бўлмадик.

Одамзоднинг келгусида қандай инсон бўлиб етишиши кўп жиҳатдан у тўғилиб ўсган муҳитга ва болалиги ёшлигига олган таълим-тарбиясига боғлиқ. Шу ҳақда сўз очилганда, биз, аввало, мушдайлигимизда ота-оналаримиздан ёки бобо-момоларимиздан бот-бот эшитган эрталаримизни эслаймиз, ўзимиз қайта-қайта кўрган мультфильмларни кўз ўнгимизга келтирамиз. Чунки ҳалоллик, яхшилик ва одоб-ахлоқ каби фазилатларни ўзида жам этган бу эртак ва мультфильмларда илгари сурилган ғоялардан рўҳланганмиз, уларнинг бош қаҳрамонларидан ибрат олиб ўлғайганмиз.



Хўш, бугунги авлод-чи?..

Ҳозир кўча-кўйда ёки жамоат транспортида кетаётиб, ён-атрофингизга разм солсангиз, йўл-йўлакай газета ёки китоб ўқиб кетаётган кишиларни деярли учратмайсиз, аксинча, каттаю кичик мобил телефонларига ёпишиб олганнинг гувоҳи бўласиз. Айрим болакайлар уйларида ёки Интернет-клубларда компьютер олдида ўтириб олиб, турли-туман ўйинларни ўйнашди ёки турли видеоларни томоша қили-

биргалашиб қасддан ўлдирибди. Минг афсуски, бошқа вилоятларда ҳам ота-онага қўл кўтариш, уларга озор етказиб, дилини қаттиқ ранжитиш билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар кузатишмоқда.

Тўғри, сўнгги йилларда Мультпликацион фильмлар студияси жамоаси томо-

ЯХШИ

МУЛЬТФИЛЬМЛАРИМИЗ

НЕГА КАМ?

шади. Ёшига тўғри келмайдиган чет эл фильмларини, айниқса, сериалларни киприк қоқмай кўришади.

Бир куни жияларим томоша қилаётган «Посбон кучукчалар» мультфильми эътиборимни тортди. Унинг бир қисмида ота-бола тракторлар ўзаро жанжаллашиб қолиб, бир-бирини роса дўппослашди. Сабаби, ота фарзандининг ўзи ёқтирган касб эгаси бўлиш истагига қарши чиққани эди.

Энди ҳолисона айтинг-чи, бизнинг менталитетимизга ёт бундай мультфильмлар қандай тарбиявий аҳамиятга эга? Уни кўрган боланинг одоб-ахлоқига путур етиб, бир кунмас-бир кун ота-онасига қўл кўтармаслигига ким қафолат бера олади?

Qalampir.uz сайтыда яқинда бир нохуш хабар тарқалди. Унда қайд этилишича, Тошкент вилоятида яшовчи 16 ёшли йигитча оилавий келишмовчиликлар туфайли ўз уйида онасини шериклари билан

нидан соҳани ривожлантириш, ёш аниматор, расом ва кадрларни тайёрлаш, миллий руҳдаги мультфильмлар яратиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Лекин улар ҳали-ҳамон тайинли натижа бергани йўқ. Оқибатда болаларга мўлжалланган телеканалларда берилмаётган мультфильмларнинг аксариятини ўзбекчага ўтирилган чет эл мультфильмлари ташкил этмоқда. Улар сифатли ишланган ва табиийки, қизиқарли бўлиши мумкин, бироқ бизнинг фарзандларимиз учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эмас.

Хўш, бизда ҳам ўғил-қизларимизга ҳар томонлама манзур бўладиган миллий руҳдаги яхши мультфильмлар яратишга нималар тўқсинлик қиялти? Маблағ танқислигимиз ёки малакали кадрлар етишмаслигимиз?

Бу саволимизга мультпликатор ва аниматор, «Астр анимацион» студияси раҳбари Абдуллатиф Ҳайдаровдан қуйидагича жавоб олдик:

– Хорижий мультфильмларни яратишга катта маблағ ажратилади. Масалан, «Маймоқ ва қизалоқ»нинг ҳар қаҳкасини тайёрлаш учун ўн минг доллар сарфланган ва талай аниматорлар меҳнат қилган. Шунга мувофиқ, асар сифатли ишланган ва сон-саноксиз мухлислар ортирган. Бизда эса мультфильмнинг 10 қаҳкалик қисмига ҳам бунча миқдорда пул ишлатилмайди ва уни яратишга атиги ўн-ўн бешта киши жалб қилинади. Боз устига, меҳнат ҳақи ҳам кам.

Мулоҳаза

Ана шунинг оқибатида олий таълим муассасаларини тамомлаб, ишга келган ёшлар заҳматига яраша даромад ололмагач, бошқа ишга ўтиб кетишмоқда. Шунинг учун ҳам соҳада яхши кадрлар етишмайди. Қолганини ўзингиз тушуниб олаверасиз, деган умиддаман.

Хулоса ўрнида бир гап. Вояга етмаган болалар тарбиясига, биринчи навбатда, ота-оналар масъул. Улар болалари қайси ижтимоий тармоқдан қандай фойдаланаётганини, телевизорда қайси сериалларни кўраётганини ва улардан қандай таассурот олаётганини мунтазам равишда назорат қилиб боришлари, зарурат сезилганда, фарзандларига панд-насихат қилиб, тўғри йўлга солишлари шарт!

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



Эълонлар

«SEMURG SUG'URTA» АЖ КК суғурта компанияси «ЭКСПРЕСС» суғурта хизматлар марказига тегишли SI 000120, SI 000121, SI 000125, SI 002275, SI 002269, SI 002275, SI 002280, SI 002282, SI 002289, SI 002299, SI 0011895, SI 0012551, SI 0012554, SI 0012560, SI 0012562, SI 0012567, SI 0012591, SI 0012598, SI 0012600, SI 0012603, SI 0012607, SI 0012609, SI 0012615, SI 0012617, SI 0012618, SI 0012625, SI 0012628, SI 0012630, SI 0012633, SI 0012637, SI 0012938, SI 0013713, SI 0016519, SI 0018405, SI 0018437, SI 0018439, SI 0019165, SI 0019565, SI 0019601, SI 0019602, SI 0019605, SI 0019607, SI 0019608, SI 0019622, SI 0019623, SI 0019624, SI 0019625, SI 0019626, SI 0019627, SI 0019628, SI 0019629, SI 0019630, SI 0019631, SI 0019632, SI 0019633, SI 0019646, SI 0019650, SI 0019679, SI 0019684 сериали А4 форматдаги универсал суғурта полис бланкалари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат иқтисодий университетининг академик лицейи томонидан 2021 йилда Умарбекова Руксара Жамшидбек қизи номига берилган Л. № 0032527 (рўйхат рақами: 225) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Қасимова Шоҳсанам Анваржоновна номига 9-синфнинг тугатганини тўғрисидаги №1040617 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар «Олмос» маҳалласи, Р.Назирова кўчаси, 30-А-уй учун Игнатев Денис номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХУТОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоҳосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Махсус котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Махсус котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
З. Рижиев

Мусахҳишлар:
Д. Худойберганава,
Д. Равшанова

Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:40**
Топширилди – **22:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Бўюртма **Г-906**
31536 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТІР: 201133889,
ОКЭД: 58130